

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИ ТАНҚИДИЙ-ТАҲЛИЛИЙ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ



Қумқўрғон тумани Шароф Мирзаев, Қумқўрғон ҳудудида фермер хўжалик раҳбарлари учун семинар ташкил этилди.

Семинарда 2022 йил ғалла ҳосили учун экилган ғалла майдонларида агротехник тадбирларни бажарилиши, ғаллага ишлов бериш, суспензия қилиш, бегона ўтга қарши курашиш, маҳаллий ўғит чиқариш, хандак қазиш, ғаллани шарбат

усилида суғориш ҳамда ариқ- зовурларни қазиб, хас –хашаклардан тозалаш ишларини тез фурсатларда якунлаш каби масалалар кўрилди.

Туман ҳокими Р.Гаппаров томонидан бу борада сусткашликка йўл қўяётган фермер хўжалик раҳбарлари қатъий огоҳлантирилиб, уларнинг фаолияти танқидий –таҳлилий муҳокама қилинди.